

Мирзо АҲАД

ШИФОБАХШ КУЛГИ

-Хандалар-



“Бухоро” нашриёти - 2005 й.

-Сиз менинг биринчи хотинимга жуда ўхшаб кетаркансиз, - деди Олим кўса нотаниш аёлга.

-Бўлиши мумкин.

-Ишонмайсизми? Бўлмаса суратини кўрсатаман!

-Суратга ҳожат йўқ, тирик гувоҳ бўлганда.

-Қандай гувоҳни айтачсиз?

-Эшжон болам, даданг сени тан олмаяпти.

-А!!!

Она қизидан сўрабди:

-Хўш, мактабни тамомлаб ўқийсанми ё эрга тегасанми?

-Ойи ўқиб олим бўлмадингиз! Мен ҳам барибир бўлмайман.

Хотин эрига дебди:

-Дадаси, дадажониси, бугун тушимда сиз менга тилло ҳалқа олиб берибсиз!

-Жуда яхши. Ичиб келганимда жанжал кўтармасанг, эртага тушингда, албатта, тилло занжир олиб бераман.


Олим кўса севгилисини ресторанга таклиф қилди. Официантнинг қулоғига:

-Минг сўм пулим бор, шунга яраша икки коса лағмон олиб келинг. Хоним билан бир чўзиб лағмон ейлик, - деди.

Официант бир зумга муҳайё қилди. Олим кўса тарелкадаги бир-икки қошиқ овқатни кўриб ранги оқарди.

-Бу овқатингизга мушугим ҳам тўймайди.

-Нима, мушугингизга текин овқат беришим керакмиди?



10 2

1031330
0

Олим кўса қайнотаси туғилган кунда қуруқ қўл билан боришни ўзига эп билмай: икки улфатинч етаклаб борди.

Янги келин тушди. У катта овсини билан тез чиқиша қолди.

-Бу хонадоннинг шароити қандай? - сўради келинчак.

-Мен бу ерга келганимда гугурт чўпи монанд эдим, - деди овсини, - энди бўлса кўриб турганингиздек, эшикдан зўрға кираман.

-Демак, бу ернинг шароити яхши экан-да. Айтинг-чи, ҳовлида қандай юмушларни бажарасиз?

-Менми?... Мен шу ҳовлида хўжайинман.

Она қизига:

-Сурайё қизим, дадангни ҳамёнларини яхшилаб кўр, тагин кирга қўшилиб кетмасин? - деб тайинлади.

Сурайё дадасининг оёқ кийимидан то бош кийимигача кўриб чиқди.

-Дадамларнинг костюм-шимларидан, - деди Сурайё, рўмолча, ҳар хил қоғозлар, ручка, гувоҳнома, битта беш юз сўм, учта юз сўм олтига ўн сўм ҳамда темир бўлақлар...

-Бор йўғи шуларми? - таажубланди она.

-Йўқ. Яна узун соч толалари ҳам...

Бир аёл иккинчисидан сўрабди:

-Дугон, мунча паришонхотирсан, тинчликми?

-Оқшом трубам ёрилиб кетди, шунга...

-Докторга бормас дингми?

-Нега докторга борар эканман. Сантехник чақирдим.

* * *

Хотин:

-Айтингчи, куракка турмайдиган гапларингизнинг бори шуми?

Эр:

-Кармисан! Бундан ортиғи зиёд.

-Ўргилдим, сизнинг бу сўкишларингиздан. Олдинги эрим шап-шап демасдан шафтоли дер эди, сиз бўлсангиз?

* * *

-Офат, оғзингдан вионинг ҳиди анқияпти?

-Нима, ичгандан кейин гулнинг ҳиди анқисинми?

* * *

Бир жувон иккинчисига арзи ҳол қилаяпти:

-Эрдан сира омадим юришмади-юришмадида... Биринчи, эрим мен билан уч йилу тўрт ой биргф бўлдим. Сўнгра у юрак хуружи билан рихлат қилди. Ундан данғиллама иморат ва чет эл мебеллари қолди. Иккинчиси бир ярим йил умргузаронлик қилиб, автоҳалокатга учраганди. Ундан эса менга иномарка машина, банкдаги ҳиссб рақамидан уч авлодимга етадиган маблағ қолди. Учинчи эрим эса текин тамоқ чиқди. У фирибгар экан. Ўзини ҳеч вақоси йўқлиги камлик қилгандек, икки эримдан қолган мол-мулкни ўз номига расмийлаштириб мени кафангадо қилди. У билан бор йўғи уч ой яшадим. Яқинда тўртинчиси билан танишиб қолдим денг. У ҳам бой. Тўрт-бешта фирмаси бор. Ишқилиб шу билан тинчгина яшай-да.

* * *

Икки аёл суҳбатидан:

-Биласанми, мен рашқда эримдан ўтказаяпман.

-Ишониш жуда қийин.

-Эрим ишдан чарчаб келганда захримни сочаман. У анграйиб қолади. Лом-мим демай, ичкарига кириб кетади. Мен эса телефонда янги хушторим билан учрашув белгилайман...

* * *

Ўрта яшар аёл дугонасидан сўраяпти:

-Тунов куни сен бил н айланиб юрган шерсифат йигит ким эди? Ўғлингмиди?

-Албатта, ўғлим! Бошқа ким ҳам бўларди... Фақат сендан бир илтимос эримга буни айта кўрма!

* * *

-Бу қанақа меҳмонхона ўзи?! Каравоти йўқ, дивани йўқ, стол стули ҳам йўқ... Сумкамни об чиқинг!

-Афсуски, сумкангиз ҳам йўқ.

* * *

Икки дугона учрашиб қолишибди.

-Салом! - дебди улардан бири. - Кўндан буён кўринмайсан, турмушга чиқдингми дейман?

-Йўқ!

-Тавба, нимани кутяпсан ўзи?

-Автобусни.

* * *

-Бунинг номи нима? - деб сўрабди Олим кўса хотинига.

-Бу қўл, дадажониси, - дебди содда хотин.

-Бундай қилиб юзга тушса нима бўлади? - деб Олим кўса ўзининг юзига тарсаки тортибди.

-Хайрият-эй! Худонинг ўзи бир асради. Бўлмаса ўша тарсаки менга тушарди, - дебди содда хотин.

* * *

Бир куни Ширин қизиқ дурадгорга учрабди:

-Устажон сиздан битта илтимосим бор.

-Қўлимдан келганча ҳаракат қиламан.

-Янгангизни биласиз, зўрға эшиқдан сиғади.

-Тушунмадим. Бунга нима алоқам бор.

-Шу янгангизни ўзимга ўхшагандай қилиб
рандаласангиз, дегандим.

-А!!!

* * *

Хотини ясан-тусан билан уйдан чиқаётганини кўрган
Олим кўса: “Қаёққа”- деб сўраса хотини” “ катта
холангизникига” дея жавоб берибди. Бу жавобдан кКўсанинг
жаҳли чиққан бўлса-ям, тишини-тишига қўйиб дебди:

-У ерга ясан-тусан қилиб борсанг ҳам санга ҳеч ким
эътибор бермайди. Чунки ўликларнинг ҳаммаси икки метр
супра билан чекланган.

* * *

Олим кўсадан сўрашибди:

-Энг керакли инсон ким?

-Хотин.

-Нега?

-Эркакка бўйин эгади.

-Олим кўсадан яна сўрашибди:

-Энг кераксиз инсон ким?

-Хотин.

-Нега?

-Эркакни эговлайди.

* * *

Солиқчи бир сотувчидан “патентингиз борми?” деб

сўради. Сотувчи узоқ қидириб охири тополмагандай солиқчининг кўзига қараб гап бошлади.

-Яна бирор соатдан кейин хотинимнинг ўзи келади.

-Хотинингизнинг бунга нима даҳли бор?

-Чунки патент - матентларнинг ҳаммаси уни қўлида-да!

* * *

Олифта кийинган бир қиз кўчадан ўтиб кетаётган эркакдан сўради:

-Акахон, ортимдан нечта мардак келаяпти экан?

-Тўртта, - деб жавоб берди эркак кулгисини зўрға тийиб.

-Сизга раҳмат, - дебди қиз ҳам қувончдан кўзлари чарақлаб, - демак бешинчиси экансиз-да.

* * *

-Ниҳоят “Банк”ни қандай ўмарганликларини аниқлашга муваффақ бўлдик.

-Қандай қилиб?

-Банкларни ўмариш ҳақида яратилган фильмларни томоша қилиб.

* * *

Қалампир сотаётган йигит Олим кўсага деди:

-Қалампирдан олиб кетинг, аччиқлиги тилни кесади.

-Шундайми... Бўлмаса ўн килоча тортинг.

-Бунчаи нима қиласиз, ака, - қизиқиб сўради сотувчи йигит.

-Ўовлида қайнонам билан эридан ажралган қайнопам бор. Шуларнинг бир тиллари кесилсин.

-Акажон, қалампир сотилмайди.

-Нимага айниб қолдинг.

-Уйда менинг ҳам қайнонам ва икки қайнопам бир ҳафтадан бери меҳмон бўлиб турибди.

-Ойиси, доим менга йўл кира бериб туринг деб сўрасам, фақат бир хил жавоб эшитаман-а?

-Чунки сиз ҳам фақат бир нарсани такрорлайсиз-да, дадаси.

-Чамамда кечқурун шаррос ёмғир қуяди, - дебди эр.

-Сиз маошни вақтида олиб келсангиз, ҳеч қандай ёмғир - помғир ёғмайди, - дебди хотини.

Эр хотинига деди:

-Биласанми, мени хонадон соҳиби танловида қатнашишга таклиф қилишди.

-Ажойиб. Хонадон соҳиби қандай бўлиши ҳақида тасаввурга эга бўларкансиз-да!..

-Ўғлим тижорат билан шуғулланса дегандим.

-Фирибгарлик қобилияти борми?

-Бўлмаса-чи? Ўтган йили ёзда кўлга бориб, сувдан касаллик чиққан дегач, чўмилмай қайтганман.

-Азизим, мана бу телпакда ҳақиқий эр бўлиб кўринарканман - деди Олим кўса хотинига.

Телпакнинг нархини эшитган хотинининг фигони фалакка чиқди. У ўзини тўхтата олмай бақариб берди.

-Бундан чиқди сизни ҳақиқий эрга айлантириш учун мен ўзимни сотишим керак эканда, а?

Афандининг қўшниси ўзидек қассоб экан. Бироқ иккаласи сира чиқиша олмас экан. Бир куни Афанди пичоғини куйиб-пишиб эговлаб ўтирганда хотини унинг жонига ачинибди.

-Намунча ярқиратмасангиз? - дебди у.

-Ҳей хотин, сан тушунмайсан. Бу пичоғимни қўшним сўраб келганда берсанг бор...и, у ҳасаддан юраги ёрилиб ўлади, - дермиш афанди.

Икки сотувчи гаплашаяпти:

-Кўса, миллион сен учун нима?

-Шўрданак.

-Бўлмаса менга бирон кило шўрданак бер.

-Иштаҳанг зўр, оғайни. Биласанми сен айтаётган шўрданакнинг килосини мен умр бўйи йиққанман.

-Ие, молларингни ўзинг сотаяпсанми? Хотининг бор эди, шекилли?

-Ҳа, бор эди. Ҳозир у солиқчилар билан тушлик қилаяпти.

Бир куни бойтўплик Эшбой мўйлов поездда Тошкентга кетмоқчи бўлди. Поезд эндигина юра бошлаган эди, унинг хонаси очилиб, проводник чиптани сўради.

-Тез юрар поездга чиқибсиз, чиптангиз эса оддий йўловчи поездига олинган, мулла ака! Марҳамат қилиб қолганини тўласангиз - деди проводник.

-Тушунмадим? Поездни секинлатарсиз, мен ҳеч қасққа шошаётганим йўқ, - бамайлихотир мўйловини буради у.

* * *

- Мен бир ойга дунёнинг у чеккасида дам олмоқчиман.
Сизда “Руҳлар афсонаси” ҳақида ўқиладиган китоб борми?
-Топилади. Мана “Арвоҳ сим қоқди” деган янги китоб.
-Кечирасиз, бу менга тўғри келмаскан. Чунки,
ўликлардан жуда-ям қўрқаман.

* * *

- Журналист бойтўшлик тадбиркорга савол берапти:
-Хотинингизни яхши кўрасизми?
-Бу саволингиз билан мени хафа қиляпсиз, синглим.
-Тушунмадим.
-Мен айтмоқчи эдимки, умуман аёлларни яхши кўраман.

* * *

- Сотувчи аёл шеригига:
-Харидорим шимни кияётиб йиртиб қўйди.
-Вой ўлмасам, энди нима қиласиз?
-Хотиржам бўлаверинг, пулини кетмасидан олдин олиб
қўйганман.

* * *

- Судья жабранувчидан сўради:
-Сизни нимага айбланувчи дўппослади?
-Мен унга хотинингга айт, кийимларни ювиб брсин,
эртага пойтахтга кетаман девдим.
-Буни нимаси ёмон?
-Чунки оқшомда деган эдим-да!

* * *

- Мени севасанми? - деб сўради йигит.
-Жонимдан ортиқ кўраман! - жавоб берди қиз.

-Бўлмаса менга тегасанми?

-Тушунмадим. Севип билан тегишнинг орасида катта фарқ борку?!

* * *

Эр хотинига:

-Азизим, бунча кўп ўзингга ора бераверма, сени ортингда шарпалар пайдо бўлади!

Хотин:

-Э, ҳаммаси бир гўр!

* * *

Ўқитувчи ўқувчидан сўради:

-Қани айтчи? Энг тез ўсадиган нарса нима?

-Нарх - наво-да, домлажон, - бамайлихотир жавоб берди ўқувчи.

* * *

-Алло, бу суғурта компаниясими? Сочимни суғурта қилдирмоқчи эдим.

-Марҳамат. Идорамизга келинг.

-Олдиндан суғурта пулини тўласангиз дегандим.

-Нимага энди?

-Чунки бошимда бир дона ҳам тук йўқ.

* * *

Бойтўплик Қосим пиён шаҳарга орзиманд эди. Нияти холис эканми, шаҳарнинг турнақатор уйларида бирига кўчиб келибди. Бир куни сармаст ҳолда туғруқхонага телефон қилапти:

-Алло, “раддом”ми? Айтинг-чи сизларда қиз туққан Гули ётибдими?

-Бизда Гулилар жуда кўп. Қайси бирини айтаяпсиз?

-Қайсинисини бўларди, икки кун олдин бешинчисини туққани-да!

-Билмайман, икки кун ичида 13 та қиз туққан Гулилар бор.

-Бўлмаса шулардан бири менинг хотиним-да. Уларга айгинг қайси биринг Қосим пиённинг хотини бўлсанг ҳазиллашмасдан хонанинг калитини желтириб берсин. Икки суткадан бери ичкарида ётибман. Деразадан сакрайман десам, тўртинчи қаватдаман, ахир!

* * *

Яна бир куни Қосим пиёндан сўрашибди:

-Бу галги фарзандинг ҳам қиз бўлди. Адашмасам бу - бешинчиси бўлса керак.

-Адашмадинг.

-Сен қизларингни бир-биридан қандай ажрата оласан?

-Уларнинг овозидан қараб.

-Кулгимни қистатма. Фирт маст ҳолда борасан-ку!

-Қизларимни бир жойга тўплаб, ароқ буюраман. Каттаси кўрқоқроқ, шу боис итнинг кейинги оёғидек охири олиб келади. Иккинчиси сал дағалроқ у ҳам биринчисидан сал олдинроқ келади. Учинчиси, оёғи қўлига тегмай югурмайди. Аксинча, кичикларига буюради. Кичиклари эса қўлтиғимга кириб эркаланади. Қисқаси, биринчи иккинчи қизим, иккинчи биринчи қизим етиб келади. Шунда уларни тезда ажрата оламан.

* * *

Йигит:

-Азизим, асал оймизги а тоққа чиқсак нима дсйсан?

Қиз:

-Яхшиси, боғда ўтказсак, у ерда мева-чева мўл бўлади. Бу эса полвончамизга қувват бўлади, дадажониси!

Олим кўса ярим кечаси уйга кириб келди. Тўзғиган сочларини текислаб, тескари кийган майкасини ўнглади. Буларни кузатиб турган хотинига тушунтира кетди.

-Бугун ишхонамизда қиттак-қиттак олиб, ухлаб қолибман.

-Алдашни уддаласангиз алданг, дадаси! Ҳойнаҳой юзингиздаги қип-қизил лабья ҳам ишхонадан ортиргандирсиз?..

Ўғил отадан сўраяпти:

-Мактабда кимё фанидан ўқимаганим панд бераяпти?

-Хўш!

-Институтдаги домламиз Уран кимёвий элемент бўлади, дейди.

-Хўш, хўш-ш!!!

-Шуни мендан сўради.

-Хўш-ш, хўш-ш, хўш-ш!!!

-Намунча хўш-хўшлайсиз, дада?

-Бўлмаса мақсадга кўч-да!

-Ўша уран нима ўзи?

-Шуни ҳам билмайсанми, ўғлим.

...

-У-ми?.. Мотоцикл бўлса керак-да!

Икки дугона суҳбатлашяпти:

-Биласанми, кечаги келишган йигит ресторанга таклиф қилса, бўладими, қурумсоқ.

-Нега энди қурумсоқ бўларкан?

-Чунки, у ҳисоб-китоб бўлмасдан илгари қорним

огрияпти, дея чиқиб кетганча қайтиб келмади.

* * *

Почтальон шошиб ишга кетаётган эди йўлда носфуруш уни тўхтади сўради:

-Ака, шартномани бузаяпсиз-ку?

-Қанақа шартномани, - деди почтальон.

-Газетани айтаяпман-да! Келтирмай қўйдингиз. Носни нимага ўраб беришни иложини қилолмапман-ку, ҳеч.

* * *

-Жўра эшитдингми, гуручнинг нархи яна тушибди.

-Сенга нима, гуруч билан савдо қилмайсан-ку?

-Макароним бор ахир.

* * *

-Кеча яна эркакларга қош учирганингни ўзим кўрдим, - дебди эр хотинига.

-Шундай қилмасам чириган олмаларни сотолмасдим-да, дадажониси!

* * *

-Умрим бозорда ўтмоқда. Еб-ичиш ҳам, ётиб-туриш ҳам бозорда.

-Унда хотинингизга қийиндир?

-Э йўқ, у бир кун бозорда бўлса, бир ҳафта хорижда...

* * *

Котиба янги бошлиқ билан сўзлашапти:

-Рафиқангизнинг соғлиқлари яхшими?

-Синглим, мени хафа қилдингиз, бу саволингиз билан.

-Нимага энди?

-Чунки, мен ҳали уйлаганим йўқ.

-Кечирасиз, сизнинг хотинингиз ҳамон турмушга чиқмабдилар-да.

* * *

Қиз онасига дебди:

-Ўргатган ҳунарингиз менга иш бераяпти.

-Эринг билан чиқиша олмаяпсанми дейман?

-Нега энди. Сиз ўргатган ҳунар чўнтагимда пул қолмаганда асқотаяпти. Ҳар гал жанжаллашганда бечора эрим: “Илтимос, қўшнилари эшитиб қолмасин!” Деб бели букланмаган пуллардан бериб турадилар...

* * *

-Нега шу пайтгача эрга тегмадинг? - деб сўради бир жувон дугонасидан?

-Очиғи, бу ҳақда ўйласам, негадир эринг кўз олдимга келаверади.

-Мени эрим-а, сен қанақа аёлсан ўзи?

-Гапга қулоқ сол, - тинчлантирди дугонаси уни, - мен фақат сенинг эрингга ўхшаган эркакка дуч келиб қолишдан кўрқаман, холос.

* * *

-Ўртоқ прокурор, эрим нуқул: “Санам, бўлмайди дедимми, бўлмайди!” - деб уйқусираб чиқади.

-Сизнинг исмингиз Санамми?

-Йўқ, Мадинабону.

-Мадинабону, эрингиз тушида бегона аёлга рад жавоб бераяптими, демак у сизни ҳалиям севаркан. Бундай эркакни бошингизга кўтариб юрсангиз арзийди.

* * *

- Жаннат, мен эрга тегмоқчиман.
- Ҳеч бўлмаганда эрингни йил ошиси ўтсин.
- Унгача кутолмайман.
- Нимага энди?
- Чунки кўз остимда олганим хотин излаётганмиш.

* * *

Хўранда официантга деди:

- Сомсангизнинг гўшти бунчалик қаттиқ. Эчкининг гўштирага ўхшайдими, эй!
- Тавба қилдим, - деди официант атрофга кўз югуртириб.
- Қандай била қолдингиз. Топқирлигингизга қойилман, акахон! Мукофоти бор, албатта.
- Мукофот, - қизиқиб такрорлади хўранда. - Ҳойнаҳой каттароқ мукофот бўлса керак, а?
- Бу сафар янглишдингиз. Яна икки дона сомса ейсиз. Бу бизнинг ҳисобдан.
- А!!!

* * *

- Фараз қилиб кўринг-а, - дебди хотин эрига. - Мен бугун ўн саккиз яшар қизман. Сиз менга совчи юборармидингиз?
- Ҳой қиз, йўлимни тўсма, кет бу уйдан, - бамайлихотир жавоб қилибди эр.

* * *

Бобога набираси арзи ҳол қилди:

- Бобожон, ўқитувчимизнинг бугунги саволига ҳеч ким жавоб беролмади.
- Қанақа савол экан, қизим?

-У “Кнопкани столим устига ким қўйди?” - деб сўради.

* * *

- “У ечинаяпти”, бу қайси замон феъли бўлади? - сўради ўқитувчи бойтўшлик ўқувчидан.

- “ У ечинганини” ҳисобга олсак, кечқурун бўлади-да, мулла опа! - тиржайиб жавоб қайтарди ўқувчи.

* * *

-Севги нима? - деб сўради бойтўшлик бола отасидан.

-Севги шунақа нарсаки, унга дучор бўлган киши маст-аласт бўлиб, кўча-кўйда тентираб юради.

-Дада, сиз ҳам севгига дучор бўлганмисиз, дейман-а!

-Қаердан билақолдинг, ўғлим?!

-Ҳар кун маст ҳолда қайтасиз. Бундан ташқари уст-бошингизга ҳам қараб бўлмайди, ахир!

* * *

Бойтўшлик ўғлидан сўради:

-Катта бўлсанг ким бўлмоқчимисан?

-Адвокат бўламан.

-Нега энди, айни адвокатликни танладинг?

-Киноларда ҳамма чиройли қизлар адвокатларни севишяпти-ку!

* * *

Бойтўшлик ўқувчидан ўқитувчи сўради:

-Агар товуқ кунига биттадан тухум қўйса, бир ойда ундан қанча тухум олиш мумкин?

-22 дона.

-Нега 30 дона эмас?

-Чунки шанба. Якшанба дам олиш кунлари бўлади, ахир!

* * *

-Нега хафасан? - деб сўради ота ўғлидан.

-Тарих ўқитувчимиз “2” қўйди. “Қозонни ким олган?” дея сўраганиди, айтмадим.

-Чакки қилибсан. Айтмаганинг майлику-я, ҳеч бўлмаса-да уйдаги кичик қозончани этиб берсанг бўларди.

* * *

Учрашувга бирга чиққан олти яшар жиян узоқдан йигит кўриниши билан аммасига зуғум қила бошлади:

-Агар менга чиройли кўйлак ва туфли олиб бермасангиз поччам олдида сизга “Ойи” дейман.

* * *

-Дада, сиз қуёшдан қўрқасизми?

-Йўқ.

-Бўлмаса нега кўзингизга ойнак тақиб олгансиз?

* * *

-Тешавой, нега мендан олган пулни қайтариб бермайсан?

-Чунки пулга ароқ сотиб олганман. Бўш шиша қайтаришни эса ўзимга эп билмаяпман.

* * *

-Шундай қилиб бу йил эрга тегмайдиган бўлдингми?

-Йўқ. Бу йил ажраладиган бўлдим. Эрим орзу-ҳавасларимни поймол қилди.

* * *

-Илонбошлар қанча эканини билмоқчийдим, - дебди

бойтўшлик куёв келинга.

-Бунинг йўли осон. Кўзимни бир кўкартириб қўйинг-чи!

* * *

Олим кўса- иссиқхонада етиштирган бодрингни сотмоқчи бўлиб бозорга олиб борибди.

-Бодрингни нима камчилиги борлигини айтиб берайми? - сўрабди харидор.

-Битта-ю, битта камчилиги селитра кўпроқ берилган, - дебди у.

-Селитра, ҳечқиси йўқ, бодрингни мен эмас қайнонам ейди.

* * *

-Кўйлагингизни нега менга сотмаяпсиз. Ахир мен айтган пулингизни бераяпман-ку?

-Тўғри аммо эрим эртага хорижга кетаяпти.

-Эрингиз билан мени нима ишим бор?!

-Чунки кийимлар эримники эди. У эртага қайсисини кийиб кетади, билмайман.

* * *

-Нима сотаётганингни биласанми ўзи, ука? - деди семиз бир аёл елинқоп сотаётган йигитчадан.

-Бўлмасам-чи, опажон. Мана буниси сизга тўғри келади.

* * *

-Маҳсулотингизнинг сифати қанақалигини биласизми? - сўради харидор сотувчидан.

-Билганим учун сотаяпманда, тақсир.

-Сизнинг бу маҳсулотингизни хорижда ахлатхонада ташлашади.

-Бечора сигиргинам! Кечагина тўрт челак чириган

помидорни берган эдим-да, а- деди сотувчи афсусланиб.

-Яхши қиз, олмачангиз неча сўм туради, - дебди шилқим харидор.

-Қоматимга қараб нархини тўлайверинг, - дебди сотувчи жувон ҳам шўхлик билан.

-Бўлмаса килосига юз сўмдан тўлайман. Қоматингиз бундан ортигига кетмайди, - дебди харидор ҳам ҳозиржавоблик билан.

Тўққиз яшар қизчанинг онаси ҳақида ёзган иншосидан:
“Менинг ойим энг суперсидан, уйда идиш товоқ ювмайди, сипир-сидир қилмайди ва ҳатто ўз кийимларини ҳам отам дазмоллаб берадилар. Чунки, ойижонимнинг ҳовлида вақти оз. Кўпинча хорижда бўладилар. Ҳовлида бўлганларида ҳам кўча-кўйда юришни яхши кўрадилар...”

Бойтўплик саккиз яшар қизчага ўқитувчиси танбеҳ берди:

-Сочингни уйда тараб келсанг бўлмайдими?

-Тароғим йўқ-да!

-Онангнинг тароғини олсанг, ҳеч нарса қилмасди?

-Қизиқ гапирасиз, а муаллим! Ойим бит босганлиги боис сочларини олувдилар.

Адабиёт дарсида ёш муаллима сўрабди:

-Қани, айтингларчи, ўқувчилар Хамсани ким ёзган?

Болалардан аниқ жавоб ололмагач муаллиманинг жаҳли чиқди ва эшикни қарс этиб ёпиб, кўзда ёш билан директорга

шикоят қилди.

-Қўзи Қўчқорович! Ўқувчилардан бирортаси ҳам Хамсани ким ёзганини айтолмади?!

-Хафа бўлаверманг. Ёзишмаган бўлса, бўйнига қўйолмаймиз, уларнинг.

* * *

Бойтўплик ўғлидан сўраяпти:

-Теша, катта бўлсанг, ким бўлмоқчисан?

-Ўқитувчимизнинг гапига қараганда молларни яши кўрарканман.

-Уч юз логия муаллимнинг айтдимиди? Демак, мол дўхтир бўласан.

-Йўқ, дада! Ҳисоб-китоб ўқитувчимиз...

* * *

-Тешажон, рост гапирсанг беш қўяман. Мисолларни ким ечиб берди?

-Билмайман, домлажон!

-Беш олмоқчимассанми, дейман.

-Нимага энди?.. Оламан. Чунки, мен жуда эрта ухлайман-да!

* * *

-Менинг кўзим қўшникига ўхшаркан, - деди бойтўплик бир бола жўрасига.

-Менинг кулишим ва йиғлашим дадангга ўхшашлигини ойим айтувдилар, - деди иккинчиси ҳам.

* * *

-Қизалоғим, далада учта қўй бор эди. Биттасининг ярмини бўри еди. Лекин иккитаси биттадан туғди. Жами нечта бўлади?

-Билмайман, - деди қизалоқ. - Ўқитувчимиз масалани
бўрда счади.

* * *

Бир ўқувчи иккинчисига:

-Мен дўхтир бўлишни истардим.

-Дўхтир бўлиб нима қиласан?

-Синф раҳбаримизнинг кўзини операция қилардим.

Чунки, у баҳоларни тескари қўяпти.

* * *

-Бу оқшом хотининг яна сендан нолиди, - деди бойтўплик
она ўглига:

-Ойижон, шу келингиз ҳам қизиқми, дейман. Кечқурун
уйга ётганим йўқ-ку...

* * *

-Рўзғорда қайси бирингизни гапингиз ўтади?

-Албатта, хотинимни.

-Нега?

-У рўзғоримизни бир маромда тебратиб келаяпти...

* * *

Коллеж ўқитувчиси:

-Талабалар! бугун сизларга севги ҳақида афсона айтаман.

-Севги ҳақида-я! - деб ҳайрон бўлиб сўрашди талабалар.

-Нима қилибди? Ахир бу афсона-ку...

* * *

Бойтўплик бола кўзгу олдида йиғлай бошлабди.

-Ҳа, нима бўлди, санга?! - дебди онаси.

-Қанақа йиғларканман. Шунини кўраяпман

* * *

Ўқитувчи:

-Пахтадан қандай маҳсулот олинади?

-Мато...

-Хўш матодан нима тикилади?

-Кўп нарса тикилади?

-Сумканг нимадан тикилган?

-Онамнинг эски кўйлагидан - дебди бойтўплик Санамгул

* * *

-Агар ўйинчиман ва раққосаман десам нима дер эдинглар?- дебди ўқитувчи бойтўплик ўқувчилардан.

-Тўйга таклиф қилган бўлардик-да.

* * *

Бойтўплик бева ота ўғлига пўписа қиляпти:

-Чекишни ташла! Сигаретага кетадиган пулга нималар олишимиз мумкин, а?!

-Биламан, соғ бошимга сақич ёпиштириб, уйлантириб қўясиз-да.

-Соғ бошингга сақич ёпиштирмайсан. Чунки ёлғизликдан ўзим жуда зеркиб кетдим.

* * *

Терговчи хотинининг ўлимдан қаттиқ қайғураётган кишидан сўради:

-Кечирасиз, хотинингизнинг сўнгги сўзларини эслай оласизми?

-Ҳа, эслай оламан. У “ўқлоқ ушлаганингни қара! Бунақада очликдан ҳаром ўларканман-да”, деганди бояқиш...

* * *

Бир киши иккинчисига зорланди:

-Биласанми, хотиним ўта очкўз. Эртадан кечгача кавшагани-кавшаган.

-Унда қўлни ишлат! Унинг тишларини уриб синдир, -
маслаҳат берди жўраси.

-Буни айтишга осон. У шу кунларда тиши оғригани
ҳақида гапириб қўйганди. Унда бир тўла тилло тиш қилиб
берарканман-да.

* * *

-Одатда йигит кўргани қаерга борасиз?

-Томга чиқаман.

-Нима, қўшнингги ўғлини яхши кўрасанми?

-Йўғ-е, у ерда талабалар туради.

* * *

Икки нотаниш жувон ресторанда:

-Демак, эрингизнинг иккинчи хотинисиз, шундайми?

-Йўқ, биринчисиман.

-Ё тавба, сиз хотин эмас, ўйнаш экансиз-ку!

* * *

Йигит қиздан сўраяпти:

-Сиз билан танишиш учун қанча кун керак?

-Яқинроқ танишим учун уч кун, уйланиш учун эса бир
соат ҳам етиб ортади.

* * *

-Бувижон келганингиз жуда яхши бўлди-да! Отам ойимга
шу қайнонам етишмай турувди деяётгандилар.

-Олдинги эрингиз билан нега ажрашгансиз?

-Сабаби чарчаш.

-Қанақа чарчаш?

-Билмасам, эрим сендан чарчадим, тўйиб кетдим деган эди.

Икки дугона учрашиб қолди:

-Хўш, аҳволинг яхшими?

- Э, нимасини айтай. Эримга пластик операция учун беш минг доллар қарз бергандим. Эндиликда , унинг башарасини ўзгартириб олганлиги сабабли қаердан излашни билмай қолдим.

2002-2005 йиллар.



ҚАЙНОНАДАН ДОД...

ҚАЙНОНА БЕЗОР КЕЛИНЛАР ТЎҚИГАН МАҚОЛЛАР ВА ҲИКМАТЛАР

Қариси бор хонадоннинг ажинаси бор.

* * *

Қайнона - турмушнинг кушандаси.

* * *

Қайнонанг яхши бўлса берди худо, ёмон бўлса урди худо.

* * *

Қайнонанинг ёмони - умринг эгоғи.

* * *

Қайнонанинг ёмони қаритар.

* * *

Қайнонанинг зўри - келиннинг шўри.

* * *

Келиннинг ҳурмати қайнонага қарз, қайнона саломи келинга фарз.

* * *

Қайнона - олмай кундош ол.

* * *

Келин қайнонадан ранг олар.

* * *

Қайнона билан талашсанг, қадринг баланд бўлар.

* * *

Қайнонага ош бергунча, бева-бечорага бош бер.

* * *

Қайнонанинг касофати бир чақирим илгари юрар.

* * *

Қайнонанинг ғаламисига дунё торлик қилади.

* * *

Қайнонанинг ошидан эрнинг мушти яхши.

* * *

Қайнонанинг шўрваси татимас.

* * *

Қайнонани қанчалик тез қаритсанг, шунчалик яхши.

* * *

Қайнонали келин ёмондир, қайнонасиз келин омондир.

* * *

Келин ўзидан, қайнона ўзгадан кўради.

* * *

Эр дўқи билан қўрқитар, қайнона йиғи билан.

2003 йил.



НИМКОСА

Имонсизлик - ер юзида учрайдиган иллатларнинг дебочаси.

Девор - уйнинг сирини ташқарига чиқармайдиган тўсиқ.

Помидор - оқшом чироғи.

Кроссворд - яқин келажакда ер юзини эгаллайдиган “касаллик”.

Ҳаёт - қувонч ва ташвишлар мамлакати.

Хаёл - бугуннинг ташвиши.

Ит- энг садоқатли жонзот.

Велосипед- бевафо улов.

Ойликхўр - кун санайдиган “ҳисобчи”.

Пул- чўнтакдаги меҳмон.

Саломлашиш- фақат танишларга ва иши тушганларга қилинадиган муомала.

Сўкиниш - ўсмир ва йигитларнинг оғзаки нутқи.

Насиҳат - ёшларга кор қилмайдиган “даҳмаза”.

Бозор - шайтоннинг уйи.

Гийбат - ажал шамшири.

Котиба - энг абжир “чақимчи”.

Танбал - тошбақанинг қариндоши.

Шайтон- энг ашаддий мухолифат.

Кал - сартарошнинг шўри.

Пат- парранда кўйлаги.

Меҳнат - дангаса ва ялқовлар суймайдиган машғулот.

Ёлғон - ростгўйлик кушандаси

Поликлиника - олди-сотди бозори.

Тўйхона - чақирилмаган “меҳмонлар”ни сийловчи
емакхона.

* * *

Бўр-ўқувчилар томонидан таъминланадиган мактаб ўқув
қуроли.

* * *

Телпак-бошнинг ҳимоя қопқоғи

* * *

Ручка - йўлини билмаган йўловчи.

* * *

Телевизор- кўнгилга тегмайдиган эрмак.

* * *

Туфли- эгасига вафосиз пойафзал

* * *

Музлатгич- Арктиканинг уйдаги намунаси.

* * *

Зиёфат - иш берувчи билан ишловчининг бир-бирига
боғловчи восита.

* * *

Капгир - хушомадгўйнинг севимли “қироли”.

* * *

Ароқ- сувни ҳам ортда қолдирган ичимлик.

* * *

Калит- зиёфат, ароқ, хушомад, манфаат учун восита.

* * *

Ноз- ўзининг манфаатдорлигини ошириш йўлида
ишлатувчи “восита”.

Ялқовлик - соғликнинг кушандаси.

Ҳаёт- вақтдан ташкил топган мато.

Вақт- умр дафтарининг туганмас бойлиги.

Ёлғончилик - раҳбарлар ўртасида оммалашган сўз.

Ростгўйлик - “қизил китоб” да навбатга турган ибора.

Ҳақиқат - ўгмас пичоқдан томадиган “қон”.

Номус - пулга чақиладиган “маҳсулот”.

Хиёнат- турмушга қўйилган илк қадам.

Муҳаббат- балоғатга етганларнинг сўнгги “манзили”.

Пашша- ифлосликка қарши курашадиган ҳашарот.



2003-2004 йиллар.

Мирзо АҲАД

ШИФОБАХШ КУЛГИ

-Хандалар-

Муҳаррир:	Садриддин Салим Бухорий
Тех.муҳаррир:	Гулнора Самиева
Компьютер дастурчиси:	Нилуфар Ражабова
Операторлар:	Зилола Бобоева Фируза Болтаева

*Теришга берилди 29.03.2005 й.
Босишга рухсат этилди 29.04.2005 й.
Нашр сони — 27. Босма табақ 2.
Буюртма № 794. Агади 2000.*

*“Бухоро” нашриёти.
Бухоро шаҳри, И. Мўминов кўчаси, 27—уй.*

*“Ёқуб Довуд” босмахонасида чоп этилди.
Мустақиллик кўчаси, 27—уй.*